

**Қосимова Наргиза, Андижон вилояти ХТХҚТМОИ
“Педагогика, психология ва таълим менежменти”
кафедраси мудири, п.ф.н.**

Тақлид ижтимоий-психологик феномен сифатида.

Аннотация.

Халқимизда “Бола азиз – одоби ундан азиз” мақоли авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мақоллардан бири ҳисобланади. Мақолада ота-онанинг ибрати, шахсий фазилатларини фарзандлар тарбиясида таъсири ҳамда Ғарб олимларининг таълимотларида тақлид феноменига берилган таърифлар ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар. Ибрат, тақлид, шахсий намуна, ота-она роли ва ўрни, ҳулқ – атвор.

Воспитание ребенка рассматривается во многих педагогических системах прошлого и настоящего. В статье рассмотрены некоторые примеры зарубежных ученых на феномен “подражания”, влияние родительского примера, личностных особенностей на воспитание детей.

Ключевые слова. “Ибрат”, подражание, личный пример, роль родителей, поведение.

Resume: This article outlines issues related to upbringing of child, phenomenon of imitation, influence of personal particularities, examples of parents to child's upbringing. Also in this article is given some examples of foreign scientists to these questions.

Key words: example, phenomenon of imitation, role of parents, personal example, behavior.

Янгиланган жамият фуқаросини ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш оила зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бизга маълумки, ҳар бир киши доимо ўзининг моддий, маънавий, маданий, ахлоқий ва бошқа талаб эҳтиёжларини қондириб боришга ҳаракат қилади. Бу унинг руҳий, табиий ва ижтимоий зарурияти бўлиб, кундан – кунга ўзгариб, давр тақозосига мувофиқлашиб туради. Ана шу ўзгариш жараёнида кишиларнинг бир-бирига тақлид қилиши тобора кенг ва муҳимроқ мазмун касб этади. Демак, тарбияда намунанинг роли ошиб, миқёси кенгайиб боради. Катталарнинг ёшларга, ота-оналарнинг болаларга намуна бўлиши, ибрат кўрсатишини бола шакллантиришнинг ҳеч қандай воситаси билан таққослаб ҳам, алмаштириб ҳам бўлмайди. Намуна бўлувчидан қилинадиган талаб унинг оилада, жамоада, жамиятда тутган мавқеидан келиб чиқади. Зеро, у соғлом, жисмоний тетик, онгли, ахлоқли, ҳушмуомала, ватанпарвар, дидли бўлиши, меҳрибон ота ёки она сифатида ҳам атрофдагилар диққатини ўзига тортиши, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозониши шарт.

Ошкоралик ва демократия турмушга фаол жорий этилаётган ҳозирги пайтда тарбияда ибрат, намунанинг роли янада ортади. Инсон туғилишидан

бошлаб, умрининг охирига қадар ибрат кўрсатади ва ибрат олади. Ибратга интилиш учун тақлид қилиш вужудга келади.

Тақлид қилиш қобилияти инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган ҳолатлардандир. У боланинг психоижтимоий ривожланишида катта роль ўйнайди. Тақлид қилишга доир турли хил нуқтаи назарлари, фикрлари билан Ғарб мамлакатлари олимлари қуйидагича изоҳлашган.

Психологлар В.Вундт, Дж.Уотсонлар тақлидни инстинктив хулқ-атворга боғлашган. В.Штерннинг ёзишича, тақлид қилиш фаолияти иккиёқлама характерни шакллантиради. Унинг талқинича тақлиднинг бири “қадимги иродавий сифат фаолияти”, ва инстинктив ҳаракат билан бир вақтда намоён бўлади. К.Гроснинг фикрича, бу ҳолат “тақлидга интилиш ҳавас билан инстинктив ва иродавий фаолият, ақлий жиҳат билан боғлиқ” деб ёзган.

Дж.Болдуин, К.Бюллерлар, “Тақлид бу аввало ўзида такрорлаш орқали вужудга келади” –дея изоҳлашган.

Боланинг ижтимоий мослашуви учун доимий равишда олиб бориладиган машқлар амалга оширилса-да, ота-она танбеҳи, мақтови, қўллаб-қувватлаш ва бошқа турли муносабатлари натижасида катталар аввало боладаги шахс хусусиятларини ота-оналар хулқ-атворидаги белгилар ва установкаларга бўлган тақлид натижасида шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Аниқ қонун-қоидаларга асосланган хулқ-атвор нормаларига нисбатан, кундалик хатти-ҳаракатлар ва уларга нисбатан билдирилган тўғри муносабат бола жинсининг тўғри йўналтирилган тарбия асосида ривожланишига туртки бўлади.

Болалар одатда ўз ўйинларида ота-оналарининг хатти-ҳаракатларини ва феъл-атворларини яққол акс эттирадилар. Бандуранинг фикрича, боланинг катталар хатти-ҳаракатларига тақлид қилишга қараб тарбия йўналишини яққол англаб олиш мумкин. Шунингдек, оилада болани рағбатлантириш унинг ўзига рағбатлантирувчилик туйғусини шаклланишига асос бўлади. Одатда ҳукм ўтказа олувчи инсонларга тақлид қилиш шахс психологияси учун хос хусусият ҳисобланади. Болага ғамхўрлик қилиш ҳам ота-оналарда ўз ота-онасига тақлид асосида юзага келади. Боланинг тақлид қилиш ҳолларини рағбатлантириш шарт эмас, фақат у ёки бу ҳаракатларини тўғри ёки нотўғри эканини назорат остига олиш керак ҳолос.

Раскин ва Мераел, маълум жинсининг ўзига мос ҳаракати моделнинг жинсига қараганда кўпроқ аҳамият касб этди, деган ғояни илгари суришган. Қизиққонлик хусусиятига кўра ўрганилганда ўғил болалар қизларга нисбатан кўпроқ тақлид қилишини аниқлаб берган.

Идентивлик назарияси тарафдорлари жинс учун табиий бўлган хулқ-атворнинг мураккаб шакллари назариясига зид эканлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, жинсининг у ёки бу ҳаракатлари шартсиз равишда эгалланиб, аниқ машғулоти талаб этмайди. Бу ҳақда турли муаллифларнинг бир-бирига зид фикрлари мавжуд.

Каган ва Массенларнинг фикрича, бола ота-онаси олдида ўзини ҳимоясиз деб ҳис қилса, ота-онасининг мавқеига эга бўлишни истайди.

Кўпинча болалар ота ёки она уларга нисбатан ғамхўрлик қилса, кучли бўлса, айнан унга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Тақлиднинг келиб чиқишига асосий сабаб, ота-онанинг бола билан эмоционал жиҳатдан яқин муносабатлари ҳисобланади.

Идентификациянинг асосий кўриниши шуки, меҳрибон, ғамхўр ота ёки она ўз фарзандларини маълум муддатга тарк этганида, бола унга кўпроқ тақлид қилади. Бунда фарзанд ота ёки она борлиги вақтида бошдан кечирган ижобий туйғуларини қайта бошдан кечирилади.

Олим Маккоби тақлид кучи ва аҳамиятининг кўлами икки омилга боғлиқ эканлигини таъкидлайди:

1.Бола ва катталар ўртасидаги мулоқотнинг мунтазамлиги;

2.Устидан ижтимоий ҳукмронлик, яъни қадр-қимматларни назорат қилишдан иборат эканлиги.

Берисоннинг фикрича, ота-она фарзанди билан мулоқотда, яъни ота ўғли, она қизи билан мулоқотда, уларнинг шахси, ўзга жинсдаги фарзанд билан мулоқотда эса унинг позитив ҳолатидан келиб чиқади. Она қизи билан мулоқот жараёнида кўпроқ психологик хусусиятларига эътиборини қаратади. Ота позитив ҳолатдан келиб чиқиб, кўпроқ қизининг хулқ-атворида эътибор беришга ҳаракат қилади. Яъни қарама-қарши жинсдаги ота ёки она фарзанди хулқини ижодий баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди. Баъзи муаллифларнинг фикрича, иккала жинсдаги болаларнинг аксарияти ўзини аввало она билан таққослайдилар. Чунки она фарзанди учун ҳиссий эмоционал жиҳатлари билан яқинроқдир

Биллернинг таъкидлашича, агар ота ўғлига унинг ҳаётининг биринчи ва иккинчи йилларида ғамхўрлик қилса, ўғил бола кўпроқ отасига боғланиб қолади. Чунки боладаги ҳатти-ҳаракатларни катталар “худди отасидек” дея таърифлайдилар. Бунда бола отасининг нафақат шахсига, балки унинг ҳар бир ҳаракатига тақлид қилади.

Сентрок фикрича, отанинг йўқлиги ўғил болаларнинг тарбиясига турли ёшда, турлича таъсир қилади. Отанинг ўлими ёки оиладан қачон кетганлигига қараб болада ўзига хос феъл-атвор хусусиятлари шаклланади. Болада жинсий мансублик (ориентация) ва жинсий мойиллик, мутаносиблик оилада эркак киши, айниқса, отанинг мавжудлигига ҳам боғлиқ. Аммо жинсий хулқ-атворининг шаклланиши бундан мустасно.

Билже ва Кауфман маданиятлараро ривожланишида оиланинг таркиби эмас, балки жамиятнинг у ёки бу жинсга муносиб хулқ-атвор меъёрларини қўллаб-қувватлаши аҳамиятлироқ деб таъкидлайдилар. Ота-онадан ташқари, боланинг ижтимоийлашувида ака-ука, опа-сингилларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари ва таъсири мавжуд. Ш.Берн, бола хулқининг ривожланишида қаттиқ туриб талаб қиладиган ота-онага нисбатан оилада ака-ука, опа-сингилларнинг мавжудлиги аҳамиятлироқдир деб таъкидлайди. У оилада турли жинсдаги фарзандларининг мавжудлиги қарама-қарши жинсга оид феъл-атвор ҳатти-ҳаракатларининг болаларда кузатилишини эътироф этган. Болалар ёши орасидаги тафовут қанчалик оз бўлса, таъсир шунчалик кучлироқ бўлади. Катта фарзанд ўз жинсдаги ука ёки синглисига ибрат

бўлиб таъсир кўрсатади. Бу таъсир ўз жинсига нисбатан ҳавас, интилиш тақлид билан изоҳланиб, боланинг психофизиологик ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

А.И.Захаров, ўғил болаларда оталикка тақлиднинг шаклланишида кичик укасининг мавжудлиги муҳимдир деб изоҳлаган. Қизларнинг синглиси бўлиши ёки бўлмаслиги у қадар муҳим эмас. Чунки қиз бола ўғил болага нисбатан онасига ўхшатиб, унга тақлид қилишга интилади ва бу ҳол унда оналик туйғуларининг ривожланиши учун етарлидир.

Монининг илмий ишларида болалар учун катталар тақлид объектига айланишларини изоҳлайди. Аммо ўғил бола тенгдош қизларга нисбатан кўпроқ таъсир ўтказа олишлигини аниқлаган. Шу билан бирга, ўғил бола иккала жинс вакиллари учун қиз болага нисбатан тақлид қилиш, ихлос ва интилиш объектига айланишларини исботлаганлар.

Таҳминларга асосан таъсирнинг турли кўринишларини қўллаш болалар орасида ўзига дўст танлашда қўл келади. Ижтимоий таъсир кўрсатишнинг турли кўринишлари ва усуллариининг келиб чиқишини ота-онага тақлид орқали боғлайдилар. Чунки аниқланишича, ота-оналарига нисбатан ўз фарзандлари билан мулоқотда, буйруқ ва мурожаатларни кўпроқ қўллайдилар.

Юқорида келтирилган фикрларга кўра шуни таъкидлаш лозимки, боланинг шаклланишида унинг ижтимоий ва когнитив жабҳалари орасидаги чегара йўқ бўлиб кетади. Бундан болани атроф муҳит билан муносабатида етук шахс сифатида ўрганишга эҳтиёж келиб чиқади.

Россия тадқиқотлар кўрсаткичларига қараганда, ота-оналар шахсидаги муҳим шахсий фазилатларига қаратилганлигини, улар ўз навбатида бола томонидан англамаган тақлид қилиш орқали рўёбга чиқишини эътироф этишади. Болалар ўз ўйинларида ота-оналарининг хатти-ҳаракатларини ва феъл-атворларини яққол акс эттирадилар. Қўғирчоқни қўлига олиб ўйнаётган қиз болани кузатганда унинг қўғирчоқни ширин сўзлар билан эркалаётгани, авайлаб тиззасига ётқазиб алла айтаётганини кўриш мумкин. Бу ҳолатда, қизалоқнинг онасига унинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилаётганлигини таъкидлаш лозим. Онанинг ўз турмуш ўртоғига бўлган муносабати ва қизи билан мулоқоти қиз боланинг ўз жинсини англашида муҳим ўрин тутаяди. Каган ва Массенларнинг баён қилишича, бола ота-онаси олдида ўзини ҳимоясиз деб ҳис қилса, уларнинг мавқеига эга бўлишини истайди. Кўпинча болалар ўз жинсидаги ота ёки она уларга нисбатан ғамхўрлик қилса, кучли бўлса, айнан унга ўхшашга ҳаракат қилади.

Психолог олим Нора Ньюкомб “Болани шахс сифатида ривожланиши” китобида Тақлид – инсонда янги кўникма, одатларни ҳосил бўлиши”- деб ёзган. Шунингдек, бошқаларга тақлид қилиш инсон учун ақлий таррақиётнинг шаклланишига ёрдам берувчи воситадир ва у тақлидни босқичларга бўлган.

1.Тақлид ижтимоий муносабатларни енгилаштиради.Ота-она боласидаги тақлид қилиш жараёнини кузатиб туриб, боласини рағбатлантиради. Бу рағбатлантирув эса болада ижтимоий мустаҳкамлаш

бўлиб кўникма ва одатга айланиши мумкин. Болалар кўпинча, ота-онага ёқадиган хатти-ҳаракатларини ўзида сақлаб қолади.

2. Тақлид бошқаларга ўхшашликка интилувчи восита. Масалан, ўғил бола кўпинча ўз отасида мавжуд бўлган ўхшашликларни ўзида сеза бошлайди, сочини калталиги, кийинишида ва бошқа бир ҳаракатларда. Қизларда эса онага тақлид қилинади, бу жараён эса уч ёшидан рўй беради.

3. Тақлид қилишга бўлган ҳиссий қўзғолиш. Бунда болалар кўпроқ ота-оналарга тақлид қилиши кўринади. Сабаби, ота-онадаги позитив ва негатив ҳолатларини бола кўпроқ кузатиши кутилади. Катталарнинг хурсандчилиги, ҳафачилиги, жанжал қилаётганда бола кузатиб туради. Яъна бу каби ҳолатни бола боғчада ҳам кузатади, масалан, ўйин фаолиятида икки ёшли болалар ўртасида оғир – вазмин хусусиятли бола эҳтиёткорлик билан ўйнайди, доминант характерли бола ундан ўйинчоғини тортиб олишидан кўрқади. Агарда доминанта бола таваккал қилиб бирон бир ҳаракатни бажарса, табиатан вазмин бола унга бир неча вақтдан кейин тақлид қилади, унда ҳам эҳтиёткорлик билан амалга оширади.

4. Тақлид мақсадга интилиш воситаси. Тақлид қилиш онгли равишда синаб кўриш, ихтиёрига қараб хоҳишини бажариш мақсадга интилиш хусусиятлари орқали намоён бўлади. Масалан, бола ўртоғига тақлид қилиш орқали, кубиклардан уй ясайди, бунда диққат билан ўртоғини кузатади ва орқасидан такорлашга ҳаракат қилади. Бу босқичда боланинг онгли равишда тақлид қилиши, ўз мақсадини амалга ошириш тақлид орқали содир бўлаётганлигини кўриш мумкин. Бу босқичлардан хулосалар шуни билдирадики, бошқа инсонларга ўхшашлик эҳтиёжлар мотивациясининг ҳиссий фаоллиги орқали вужудга келар экан, шунингдек бола мақсадига эришиш учун кимга, нимага ва нима учун тақлид қилади деган муаммони

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, бола тарбиясида биз инобатга олишимиз лозим бўлган жиҳатлари орасида ота-онанинг шахсий хусусиятлари, фарзандлари билан бўлган муносабатлари билан бир қаторда уларнинг ибратига тақлид қилиш ўрни ҳам ўз аҳамиятига эгадир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Плисенко Н.В. Генезис половой идентификации в дошкольном возрасте: Автореферат. Дисс. канд. психолог. наук М., 1985-16 с.
2. В.М. Каримова. Оилавий ҳаёт психологияси.-Т., 2006-142 б.
3. Клецина И.С. Гендерная социализация: Учебное пособие.-СПб.: изд-во РГПУ им. Герцена. 1998.
4. Кон И.С. Введение в сексологию: Учеб. пос для студентов высшей учуб. Завед.-М.: Олимп; ИНФРА, 1999.
5. Ш. Берн. Игры в которые играют люди. 1998-398б.
6. Иванов. П.И. Умумий психология. Пед ва психол: бакалавр таълим йўналиши талабалар учун дарслик/ П.И. Иванов. М.Е. Зуфарова.- Т.: Ўзбек файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008-480б.

7. Гидденс Энтони. Социология: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма/ Тарж. Н.Маматов ва Ж.Бегматов.-Т.: Шарқ, 2002.-848 б.

**АПВКҚТМОИ Педагогика- психология кафедраси доценти
Н.Д.Қосимованинг “ Ғарб психологларининг таълимотларида
тақлиднинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” мавзусидаги
мақоласига**

Т А Қ Р И З

Тадқиқотчи Н.Қосимованинг мақоласида Ғарб психолог олимлари томонидан тақлиднинг хусусиятларига оид назарий билимлари талқин қилинган. Албатта, бола туғилганидан бошлаб ижтимоийлашув жараёнига киришади. Ана шунга мос равишда ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳам борган сари ортиб боради. Боланинг ривожланишида эса тақлид қилиш хусусияти асосий ўринлардан биридир. Чунки, тақлид қилиш орқали унинг

хатти-ҳаракатлари ҳам тезлашади. Улғайган сари у фақат оиласидаги катта одамларнинг хулқ- атори ва хатти-ҳаракатларигагина эмас, балки яқин атрофидаги ўз тенгқурларининг хулқ-атори ва хатти-ҳаракатларига ҳам эргашиб тақлид қила бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, ташқи таъсир натижасида ижтимоий тажрибаси янада кенгая боради.

Шунингдек, мақолада болага ота-онанинг муносабатлари, хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

АДУ “Педагогика” кафедраси :

п.ф.д.,проф.,Т.Х.Хасанов